

UZEX акцияларини капитализатсияси: бу акциядорлар учун нимани англатади



Масалан:

- Капитализатсиядан олдин: 10 та аксия 15 399 сўмдан = 153 990 сўм.
- Капитализатсиядан сўнг: 50 та аксия 3 079,8 сўмдан = 153 990 сўм.

Шуни тушуниш керакки, сизнинг аксиялар пакетингизнинг умумий қиймати ўзгармайди, уларнинг сони эса ортади.

Нима учун нарх ўзгаради?

Капитализатсия аксияларнинг умумий сонини кўпайтиришни назарда тутаяди, бу эса уларнинг ҳар бирининг нархини пасайтиради. Қайта ҳисоб-китобдан сўнг аксияларнинг қиймати 3 079,8 сўмни ташкил этади, бу Халқчил ИПО доирасида сотиб олинган нархидан ($12900 \text{ сўм} / 5 = 2 580 \text{ сўм}$) 19,4% га юқори.

Акцияларнинг ўсиш салоҳияти

"UZEX" аксиялари капитализатсия қилингандан сўнг ўрта муддатли истиқболда бир донаси 3 663,6 сўмга кўтарилиши, яъни Халқчил ИПО доирасида сотиб олинган нархидан 42% юқори бўлишини кутилмоқда. Прогноз инвесторларнинг юқори манфаатдорлиги, компаниянинг молиявий кўрсаткичларининг яхшиланиши ва фонд бозоридаги умумий фаолликнинг ўсишига асосланган.

Бу акциядорлар учун нимани англатади?

Капиталлашув сизнинг сармоянгизни камайтирмайди. Бу фонд бозоридаги стандарт амалиёт бўлиб, у аксияларни янги сармоядорлар учун янада қулайроқ қилади ва амалдаги акциядорларга келажакда ўсиш учун имкониятлар яратади.

Л.Ғоибов “Електрон онлайн аукционларни ташкил этиш” АЖ Сурхондарё вилояти вакили